

# ЖАМҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 29 сентябр жума  
Сотувда эркин нархда  
№ 194 (2491)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

Ўзбек кураши — Олимпия сари

## «Ислон КАРИМОВ турнири»

### АНЪАНАВИЙ МАҚОМ ОЛАДИ

Шу йилнинг 1 октябрида Буюк Британиянинг Бедфорд шаҳрида кураш бўйича «Ислон» Каримов турнири бўлиб ўтишдан хабарингиз бор. Бу турнир ташкилотчиси Британия кураш ассоциацияси (БКА) дир. Уни ўтказиш ташаббускори эса жaxon спорт оламининг кўзга кўринган вакили, дюз-до ва самбо бўйича бир қатор халқаро мусобақалар голиби, БКА Президенти жаноб Тимоти Томасдир.

Бедфордда бўлиб ўтadиган тадбирга етарлича тайёргарлик кўрилган. Қиролликнинг турли чеккаларидан ташриф буюрадиган барча вазн ва ёшдаги курашчилар таркиби аниқланган. Шунингдек, мусобақада Ўзбекистондан 6 та спортчи иштирок этади. Улар орасида битта киз бола ва фахрий полвон ҳам боради.

Халқаро кураш ассоциацияси ижроия кўмитаси билан келишилган ҳолда Британия кураш ассоциацияси келаси йилдан бошлаб «Ислон Каримов турнири»га анъанавий халқаро турнир мақоми беришни мўлжалламоқда. Британияликлар фикрига кўра, ушбу турнир ўзбек курашининг Бирлашган Қиролликда ва бутун дунёда янада омалашувиغا ёрдам беради.

Мамлакатимизнинг бир гуруҳ полвонлари ва ХКА мутасаддилари мазкур турнирда иштирок этиш учун эртага Тошкент-Лондон рейси билан жўнаб кетишади.

О. РАЖАБОВ,  
«Жамқ сўзи» мухбири.

## «Оқ олтин» - 2000



### МАРРА — 200 ФОИЗ!

Эл аро «Мард майдонда билинади» деган нақл юради. Кўпроқ полвонларга нисбатан қиёс қилинадиган бу сўз термизлик Олимпжон Очиловга ҳам жуда қадрдон. Фақат у киши кураш учун тур даврани эмас, кенг далами майдон қилиб олган. Шу сабаб ҳам ўз сўзининг устидан чиқадиган бу танти дехқон минни элдошлари полвон ака, дея эъзоз билан тилга олишади. Ана шу полвон ўзи яшайдиган ҳудудда «Мангузор» фермер хўжалигини ташкил қилгандан буён бирор йил йўқки, пахта топириш режаси бажарилмай қолса. Бу йил ҳам шундай бўлди. Мавжуд 50 гектар

майдоннинг ҳар гектаридан режадаги 35 ўрнига 55 центнердан ошириб пахта топириди. Ниятлари эса янада катта — маррани 200 фоизга етказиш.

Суратчи мухбиримиз Тоҳиржон Ҳамроқуловнинг айтишига кўра, ҳамқишлоқлари бу гапни эшитиб «Мана бу мард йигитнинг иши» дейишаётган экан.

## Уруғлик режаси бажарилди

Бухоро вилояти дехқонлари уруғлик пахта тайёрлаш бўйича йиллик шартнома режани бажарди. Пахта тозалаш корхоналарига 28 минг 800 тонна юқори сифатли уруғлик пахта етказиб берилди. Бу меҳнат мувофакатида Гиждувон, Бухоро, Жондор ва Қорақўл туманлари элита хўжалиқларининг хиссаси катта бўлди.

Тайёрланган уруғлик пахтанинг асосий қисмини «Бухоро-6», қолганларини эса синовдан мувофакатли ўтган «Юлдуз», «С-7510», «175-Ф» навлари ташкил қилди.

Илхом САҒАР,  
ЎЗА мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Қучлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлариға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг

Қуролли Қучлари сафларидан захирага бўшатилинсин.

2. 1973-1982 йилларда туғилган, чақирик муддатини узайтириш ҳуқуқиға эға бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2000 йилнинг октябр-ноябр ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Расми И. КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2000 йил 28 сентябр.

## Депутат ҳисоб беради

### МАҚСАДИМИЗ: ЙЎЛЛАР РАВОН, ТУРМУШ ФАРОВОН БЎЛСИН

Қурбон Панжиев «Кашқадарёвий» давлат акционерлик бирлашмаси бошлиғи вазифасида 1993 йилдан бери ишлаб келмоқда. Иши йўл қуриш, йўлни соз ва равон қилиш. Бу хизматнинг устиға депутатлик юмушлари ҳам қўшилган. У Олий Мажлис депутаты. Ҳўш, икки жабҳада иш олиб бориш қандай кечаяпти? Мухбиримизнинг Қурбон Панжиев билан суҳбатидан шу каби саволларға жавоб топасиз деб ўйлаймиз.

— Қурбон ака, йўлсозлик соҳасида катта тажрибаға эғасиз. Шу маънода жабҳада жиддий ўзгаришлар бўлаётганини сизға маълум, албатта. Лекин бизға, аввало, депутат сифатидаги фаолиятингиз хусусида гапириб берамиз.

— Саволни қўндаланг қўйдингиз. Албатта, депутатнинг вазифаси йўл ёки кўприк қуриш эмас. Депутатнинг мақоми ва вазоклатлари энди бутунлай бошқача. Гап шундаки, фуқаролик жамиятини қуриш қонунларининг мукамал бўлишини талаб этади. Бу эса, энг аввало, депутатларға боғлиқ. Президентимизнинг иккинчи чақирик Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги чиқишларини бир эға олинг. Уз маърузасида Юртбошимиз шу хусусида батафсил тўхтаган эди. Шундан кейлиб чиқиб, ўз вазоклатларини доирасида иш қўраемиз. Мухожимага қўйилган қўнун лойиҳаларига сизд фикр-мулоҳазаларини билан бахс-мунозараларда катнашаемиз. Хусусан, Олий Мажлис Мудофаа ва ҳавфсизлик масалаларини кўмитаси ағзоси сифатида унинг ишида фаол иштирок этаемиз. «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлашда хиссам қўшилганлиғидан хурсандман.

— Саволнинг бир томони. Иккинчи жиҳати шундаки, депутат бевосита ўз сайловчилари номидан иш қўради. Бунинг учун уларнинг фикр-хаёлини, дарду муаммосини билиши, билганда ҳам ундан умумлашган ҳўлослар чиқара олиши, тараққиётга хизмат қилуви, тақлифлар, ҳўлосларға эға бўлиши керак. Мен шундай деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам сайловчиларини билан тез-тез ва мунтазам учрашиб тураман. Хафтананг, ойнанг муайян кунида уларни қабул қиламан. Ана шу шароитда фикр тиниқлашади, янама ўқирлашади, десам ҳам қўлимайман. Чўнки кўндаланг кўп гап чиқди. Уларни умумлаштириш керак. Фақат шу эмас. Мурожат қилган ҳар бир сайловчи нимадандир арз, шикоят қилади, ёрдам сўрайди. Шундай пайтда, аввало, фуқаро, қолаверса, депутат сифатида уларнинг кўнлиға йўл топиш, талабини имкон қадар қондиришға ҳарақат қиламан. Агар таъбир жоиз бўлса, депутатта мурожат қилган сайловчининг ундан кўнгли тўлиши керак. Қўнончи, нимадур қўндаланг бўлсангизгина бунга эришиш мумкин. Хўдсизга шўқри, ҳўзирча сайловчиларини менинг гапимдан ҳам, ишидан ҳам норози эмас. Бунинг мулоқотларда очик айтишаётир.

— Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида айрим корхона ва ташкилотларда хизмат ҳажми қисқариб, иш ўринлари қаммайиб кетишиға йўл қўйилганини сир эмас. Йўлсозлар учун ҳам бу муаммо маълумдир.

— Гапнинг омиғини айтсам, ишининг кўзичи билан одам бундай муаммоға дўб келмайди. Негаки, изланган одам иш топади. Иш топган — пул топади. Пул топган одам қурди, яратди. Йўлсозларимиз нафақат Кашқадарёда, балки бошқа вилоятларда ҳам меҳнат қилишаётир. Тендерларда катнашиб, ўзимизнинг ҳар қандай ишни сифатли ва камқўстсиз бажаришимизни исботлаб, турли лойиҳаларни бажариш юзасидан буюртмалар олаемиз.

— Шунинг учун йўлсозларимизнинг турмуши ҳам ёмон кечмапти. Даромади яқши. Бундан ташқари, байрамларда уруш ва меҳнат фаришларини, ногиронлар, кўп болали оилаларға моддий ёрдам қўрсатиб келаямиз. Шу пайтда шў мақсад, учун 5 миллион 680 минг сўм сарфланди. Шунингдек, ишчи-хўжалиқчиларимиз доимий равишда ёрдамчи хўжалиқимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари билан таъминлаб турилади. Қўшдан тортиб, асалчана берилади. Дон билан ҳар йили таъминланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир йўлсозимиз учун ўз иши ўрни қадри. Иш сифатиға эътибор беради. Пала-партиш иш қилмайди. Чўнки қурган йўлларимиз сифатли ва равон бўлиши, замонавий талабларға жавоб бериши шерт. Шундангина рақобатта бардош бераоламиз. Умуман шўни чўқур ағлаб етиш керакки, энди ҳар бир соҳада изланган, янгиликка интиланг киши яқши натижаға эришади. Ҳўзир ҳар кўн ўзгариш рўй бермоқда. Дун шўбит билан илгарилармоқда. Давр билан ҳамқадим бўлган деган киши ўз ишидан қаноатланмаслиғи керак. Бу кам. Бундан ҳам яқшироқ қилиш мумкин, деган қайфиятда иш тутса, зарар қилмайди. Айнакча, бизнинг соҳамизда. Аҳир йўл қўриққ савоб. Агарда йўлларимизни жaxon андозаларига мослаб қурсак, нур устиға аяло нур бўлади. Албатта, бу осон эға бирданиға бўлаётганин иш эмас. Ҳўзирдан шўнға замин ҳўзирлаб бориш зарур. Шунда келгуси авлодлар олдига ҳам юзимиэ ёруғ бўлади.

«Жамқ сўзи» мухбири  
Нарзулло РАВШАНОВ  
суҳбатлашди.

## ҚўШ ЗАФАР

Навоий туманидаги «Маданият» ва «Жалойир» ширкат хўжалиқлари раислари Бахтиёр Разоқов ва Маҳмуд Норов туман ҳўқимлиғига айнан бир вақтда ягона мазмундаги ҳўжжатини келтиришди. Бу пахта тайёрлаш йиллик шартнома режасини бажарганлик ҳақидаги зафар хабарномаси эди. Ҳар иккала жамоада «оқ олтин» ҳўсидорлиғи 30 центнерни ташкил этди.

Голиб хўжалиқларда терим шиддати пасайгани йўқ; кунлик сурват 3-4 фоиздан тушмаяпти.

## АЛМАШУВ НОТАЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

28 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов ҳамда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси К.Накаяма ҳўкуматлараро алмашув ноталарини имзолади. Япония ҳўкумати томонидан мамлакатимизға маданият соҳаси ахтиёжларини қоплаш учун бегараз ёрдам қўрсатишға қарор қилинган. Имзоланган ҳўжжатлар ана шу қарор доирасида тузилган бўлиб, Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейини аудиовизуал техника билан жиҳозлашни молиялаштиришға қаратилган.

Япония ҳўкумати бу мақсад учун 46 миллион иен (440 минг АҚШ долларига яқин) ажратди. Бир ой аввал ҳам кунчиқар мамлақати болалар вакциналарини харид қилиш учун бегараз ёрдам сифатида Ўзбекистонға 204 миллион иен ажратган эди. Ундан олдин Алишер Навоий номидики Ўзбекистон Республикаси Давлат Академик катта театри, Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Жaxon иқтисодиёти ва дипломатия универ-

ситети, Тошкент шаҳар ҳўқимлиғига бегараз ёрдам қўрсатилган. — Кейинги вақтда Ўзбекистон билан Япония ўртасида турли йўналишдаги ҳамкорлик кенгайиб бораётгани қувонarliдир, — деди Япония элчиси Киоко Накаяма ЎЗА мухбири билан суҳбатда. — Биз алоқаларни янада ривожлантириш ниятидамыз. Япония ҳўкумати яқин кунларда мамлакатимиз маориф соҳасини моддий ва маънавий жиҳатдан

қўллаб-қувватлаш ҳамда аёллар учун янги иш ўринлари ташкил этишға кўмаклашиш мақсадида кичик ҳажмда бегараз ёрдам қўрсатишни режалаштирмоқда. Бундан ташқари, келаси ой юртингизда Япония маданияти кўнларини бўлиб ўтади. Ҳўзир ана шу йўрик тадбирға қизгин тайёргарлик кетаяпти. Тадбир доирасида ўзбекистонликларни нафақат япон халқининг маданияти, санъати, урф-одат ва анъаналари билан таништириш, балки Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида қатор хайрия тадбирлари ўтказиш ҳам мўлжалланаяпти.

(ЎЗА).

## Ўтқир тиг остида

ҳазм қилиб юборилган. Афсуски, бундай мисоллар яқка-ёғиз эмас. Товар-моддий бойликлар қолдирини қайта хатлаш чоғида коллежнинг моддий жавобгар ходими Д. Қорабоев 874,7 минг сўм, комендант У. Мусурмонов эса 2,4 миллион сўм камоматда йўл қўйганлиғи аниқланди. Наманган «Электро-

дай бўлди. Бош врач А. Мамажонов, бош бухгалтер Р. Мўминов ва И. Омонуллоевнинг эътиборсизлиғи ва лоқайдлиғидан фойдаланган касир бошқа қинғир ишларға қўл урди. Аниқроғи, беморлардан озиқ-овқат учун олинган 361,4 минг сўм нақд пулни кассаға қирим қилмасдан ҳазм қилиб юборган. Хул-

минг сўм моддий зарар етказилганлиғи аниқланди.

Бюджет интизомининг бўзилётганлиғини Уйчи туман марказий шифохонасида ҳам кузатиш мумкин. Бу ерда 1999 йилда ва 2000 йилнинг биринчи ярмида беморлардан озиқ-овқати учун ажратилган 1 млн. сўмдан кўпроқ маблағ талон-тарож қилинганлиғи аниқланди. Хўлоса эса маълум: шифохона маъмури-

124,1 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам ҳисоботға киритилмаган ва ўзлаштириб юборилган.

Ушбу туманнинг уй-жойлардан фойдаланиш бўлимида ҳам давлат маблағларини ўзлаштирувчилик қиқиб қолди. Қаранг, касир К.Эргаров, бош бухгалтер У.А. Абдулматов биргалашиб, шу йилнинг январий ойлари мобайнида коммунал хизматлари ва уй-жойлардан фойдаланиш харажатлари учун аҳолидан тўлланган 127,5 минг сўм нақд пулни ўмаришибди. «Булочка» (Минбулок тумани) ҳамда «Шаршара» (Қосонсой тумани) мактаб-гача ёшдаги болалар муассасаларида 200 минг сўмлик бюджет маблағлари асоссиз сарфлаб юборилганлиғига нима дейсиз?

Уйлаймизки, бу каби ҳолатлар раҳбар ва моддий жавобгар шахсларни жиддий мушоҳадаға ундайди. Қонунбузарлар эртами-кечми, қилмишлари учун жавоб берадилар. Юқорида келтирилган ҳолатлар бўйича айбдор шахслардан Молия вазирлигининг бош назорат-тафтиш бошқармаси томонидан 2,5 млн. сўмға яқин маблағ ундириб олинди. Шундай бўлиши ҳам керак. Зотан, бюджет маблағлари дахлсиздир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг матбуот маркази.

# НАФС БАЛОСИ

## ёки бюджет маблағларининг дахлсизлиғини ким таъминлайди?

Самарқанд аграр-тадбиркорлик коллежининг 1998-1999 йиллар ҳамда 2000 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти текширилганда камоматларға йўл қўйилган ва 6 миллион сўмға яқин бюджет маблағи ўзлаштирилганлиғи аниқланди. Коллеж директори У. Ражабов ва бош бухгалтер А. Қурбонов ўз ишларига масъулиятсизлик билан қараб, давлат маблағларининг талон-тарож қилинишиға йўл қўйганлар. Бунинг оқибати эса маълум. Чўнончи, ушбу коллеж касири Н. Тўраев фақат ҳўжжатларни қалбақлаштириш ва тўлов ведомостларига қўшиб ёзиш ҳисобиға 2,2 миллион сўмини ўзлаштирган. Жумладан, иш хақи тўлови ҳўжжатларидаги яқиний суммани ошириб қўрсатиш орқали 45 ҳолатда 198,6 минг сўм, талабаларға қайта стипендия расмийлаштириш йўли билан 194 ҳолатда бир ойнинг ўзида 1,3 миллион сўм, тўлов ведомостларини

қалбақлаштириш орқали 108 ҳолатда 743 минг сўм миқдордаги давлат маблағи талон-тарож қилинган.

Бундай «касаллик» одатда юқумли бўлади. Осон бойлик орттириш усулидан бошқа баъзи ходимлар ҳам фойдаланиб келганлар. Масалан, гуруҳ раҳбари К. Ғўломов томонидан талаба М. Шириновға 2000 йилнинг март-июл ойлари учун ҳисобланган 35,8 минг сўм стипендия пули ҳам ўзлаштирилган. Умуман, коллеж ходимлари томонидан тўлов ведомостларини қалбақлаштириш йўли билан жами 354,3 минг сўм маблағ

терм» акционерлик жамиятининг тиббий-санитария қисмида ҳам худди шундай қонунбузарлик занжири кузатилмоқда. Бу ерда 1999-2000 йиллар бўйича ўтказилган тафтиш чоғида маълум бўлдики, тиббий-санитария қисми касири С. Бувамирзаева касса ҳисоботини тузаётиб, иш хақи, бўнак ва бошқа тўлов ҳўжжатларини қалбақлаштириш йўли билан 265,1 минг сўмини ўзлаштирган.

Жазоланмай қолган ҳар қандай қонунбузарлик бошқа жинойий ҳаракатлари келтириб чиқаради. Бу ерда ҳам шунлас, С.Бувамирзаева бюджет ва бошқа маблағларни ноқонуний ўзлаштириш орқали жами 625,5 минг сўм «даромад» топди. Бош врач бундай қонунбузарликларни сезмаган, деб ўйлайсизми? Асло. Унинг ўзи ҳам давлат маблағларини талон-тарож қилишда бошқалардан қолишмади. Масалан, 1999 йилда унинг «сахий»лиғи билан турли жамғармаларға бюджет маблағидан 21,2 минг сўм ўтказиб берилган ва 56,2 минг сўм ортқича нафақа қандай қонунбузарлик бошқа жинойий ҳаракатлари келтириб чиқаради. Бу ерда ҳам шун-

яти, аниқроғи, бош врач М.Қурбонбоев ва бош бухгалтер А.Тўрабоев томонидан назорат бўшаштириб юборилганлиғи оқибатлари ана шундай нўқсонларға йўл қўйилган. Шифохонанинг моддий жавобгар шахси А.Каримовға қарашли оғирордаги озиқ-овқат маҳсулотлари қолдирини қайта хатлаш чоғида 437,5 минг сўм камомат борлиғи аниқланди. У ҳўжжатларни қалбақлаштириш йўли билан умумий қиймати 508,5 минг сўмлик 148 минг донна нақд маҳсулотларини ўзлаштирган. Шу йилнинг март ойида олинган



1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

Бу воқеа 40 йил муқаддам олий ўқув юртида талабаларимизнинг биринчи куни содир бўлган эди. Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг тарих-филология факультети-га 25 нафар йигит-қиз ўқишга қабул қилинганди. Хали ҳеч ким бир-бирини танимайдди. Биримиз Жиззахдан, биримиз Хоразмдан, яна биримиз Қорақалпоғистондан...

ЎЗИМИЗНИНГ ХАЙРИ ОПА

Факультет декани О.Қаюмов ҳаммамизни бир-бир турғизиб, тутилган йил-имиз, ота-онамиз, шароитимиз ҳақида батафсил сўраб-суриштирди. — Хайри Курбонова! Қорачадан келган, гилам дўппи, атлас кўйлак кийган, сочини иккита қилиб орқасига ташлаб олган, истараси иссиққина қиз ўрнидан турди. Ҳаммамиз ўша томонга қарадик. У домланинг саволига бурро-бурро қилиб жавоб қайтарди. — 1940 йил 1 сентябрда туғилганим. Дадам савдо хонани, ойим ўй бекаси, опам ва икки синглим бор...

чи альбомлар, стендлар, ўзбек мумтоз адабиётининг намояндалари, миллий кадрларимизни ва гуруҳимизни ифодаловчи кийимлар, идиш-товоклар ва ҳатто миллий таомларимизни тайёрлаш қўлланмаларига бор. Буларнинг ҳаммаси дарсларнинг жонли ва таъбирчан ўтишини таъминловчи воситалардир. 1995 йилнинг 20 февралда ҳеч едимдан чиқмайди. Тўйғанада ўқувчиларнинг фанлар бўйича олимпиадаси ўтказилган бўлиб қолди. Жўнаш арафасида Хайри Абдуллаева на қора кийимда автобўсага чиқиб келди. Ҳамма у кишининг бошига тушган мусибатдан хабардор эди. Яқинда аялари оламдан ўтган эди. Опа олимпиадага бормасалар ҳам ҳеч ким гина қилмасди. Аммо...

Домла жуда яши деди-ю, бирданига. — Ия, қизим, бугун туғилган кунингиз экан-ку, сизни қўтлаймиз, — деб қолдилар. Мен ҳам ҳе йўқ, бе йўқ, «Биз ҳам табриқлаймиз. Сизни Хайрихон опа десақ, хафа бўлмайсизми?» — деб юборибман. Айтишга айтдим-у «лавланган» чиқиб кетди. Курсдошларим мен томонга қарашибди-да, қулиб юборишди. Шунда харбийча кийим кийиб олган бир йигит: — Нега энди сизнинг опангиз бўлар экан, ҳаммамизнинг Хайрихон опамиз бўла қолсинлар, — деди.

Шу кунни ҳақиқатан ҳам беллашувда Хайри опанинг икки ўқувчиси вилоят олимпиадасининг фойиб бўлиб, республика босқичига чиқишга муваффақ бўлди. — Булар иш бўлди, энди аям қайтиб келмайдилар, — деганди ўшанда у. — Ахир, бугун менинг ўқувчиларим беллашади. Ўйлаб-ўйлаб улар ёнида бўлишим кераклигини сездим...

Хайрихон опа нима дегини билмай, қизарганича бизга қўшилиб қулиб юбордилар. Шу-шу курсдошимиз Хайрихон Курбонова ўзимизнинг Хайрихон опага айланди қолди. Ҳадемай талабаларнинг олтин даври ҳам ўтди-кетди. Хайрихон Курбонова 1965 йили институтни тамомлаб, ўзи туғилган шаҳри — Янгийўлдаги 17-мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс бера бошлади. 1967 йилдан эйтиборан эса 6-ўрта мактабда русийзабон синфларда ўзбек тилидан сабоқ бери келмоқда. Шунга ҳам роса 33 йил бўлибди.

У кишининг дарсларида кўп бўлганман. Не ажабки, бир дарс иккинчисига мутлақо ўхшайди. Гоҳида маъруза усули бўлса, гоҳида савол-жавоб, мунозара, яна бошқасида эса сахналаштирилган кўриниш. Хуллас, Хайрихон опанинг ўқувчиларга дарс бериш усулига барча ўқитувчилар бирдек ҳавас билан қараймиз.

— Хар бир дарс — янги бир иккундир, — дейди опа. Нақадар содда ва айнаи вақтда жўяли жавоб. Демокриманки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунда айнан шундай дарс усулларини қўлай оладиган етук мутахассислар нақадар зарур ва қадрли эканлиги таъкидланган.

Уша, 1960 йилнинг 1 сентябрида домланинг саволларига бурро-бурро жавоб қайтарган ўзимизнинг Хайри опа бугунги кунда олий тоифали ўқитувчи, халқ таълими аълочиси. Бугун у кишининг курсдошлари бўлганимиздан барчамиз фахрланамиз. Опанинг фидокорона меҳнати давлатимиз томонидан юксак тақдирланди. Унга 1999 йили «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» деган юксак унвон берилди.

— Хар бир дарс — янги бир иккундир, — дейди опа. Нақадар содда ва айнаи вақтда жўяли жавоб. Демокриманки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунда айнан шундай дарс усулларини қўлай оладиган етук мутахассислар нақадар зарур ва қадрли эканлиги таъкидланган.

Дарҳақиқат, шундай. Хайри опа Курбонова Янгийўл шаҳри ўқитувчи ва мураббийларининг устози сифатида амалда ҳам ана шундай яшаб, меҳнат қилмоқда.

Солижон БОЙМАТОВ, фалсафа фанлари номзода, доцент.

Олтинсой туманидаги "Сандвич" қўшма корхонаси бундан ўн йилча муқаддам катта маблаг эвазига қурилган эди. Мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишловчи мазкур қўшма корхона бир-икки йил ишлади-ю, ўтириб қолди. Сабаби — корхонанинг ҳақиқий эгаси йўқ эди.

Корхона қайта оёққа турди

Жорий йил бошида ташкил этилган Сурхондаёв вилоят "Мева-сабзавот-узумсаноат" ишлаб чиқариш таркибига киририлган қўшма корхона қайта таъмирлангач, иккинчи умрини бошлади. Натижада, қайта ишланган қўшма мева-сабзавот ва полиз экинларидан ҳозирча саккиз миллион сумлик маҳсулот тайёрланди.

Чори ТҲТАЕВ, ЎЗА мухбири.

ПРАГАДА ОСУДАЛИК

Чехия пойтахти Прагада полициячилар иқтисодиётнинг глобаллашувидан нозилик билдираётган намоийшчиларнинг бир неча кунлик безорилиқларига чек қўйди. Бирок намоийшчилар бунгача марказий кўчалардаги ресторан ва савдо дўконлари ойналарини синдириб, шаҳардаги банклар биноларига катта зарар етказишга улгурган эди.

СОБИК ПРЕЗИДЕНТ ЎҒЛИ АЙБОР

Индонезия Олий суди собиқ президент Сухартонинг кичик ўғли Хутмо Мандалу Путруни ер савдосида товламачилик қилиб, давлатга катта зарар етказганлигида айбдор деб топди ва бир ярим йилга озодликдан маҳрум этди. Бирок Сухартонинг ўғли ҳукмдан норози эканини билдирди. У ўзининг жиноий ишларини қайта қўриб чиқишни талаб қилмоқчи.

ЮГОСЛАВИЯ ЯНА САЙЛОВ АРАФАСИДА

Югославида яқинба кунли бўлиб ўтган президент

БЕШ КИТЪА ДАРАКЛАРИ

сайлови натижалари эълон қилинди. Сербия демократик муҳолифати вакили Воислав Коштуница 48,22 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлди. Амалдаги президент Слободан Милошевич эса 40,23 фоиз сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашига эришти. Сайлов тўғрисидаги қонунга кўра, президент лавозимини эгаллаш учун номзод 50 фоиздан ортиқ овоз олиши керак. Шу сабабли Югославида сайловнинг иккинчи босқичи ўтказилмаган бўлди.



Африка аёллари

МУЗОКАРА НАТИЖА БЕРМАДИ

БМТ қароргоҳида Кипр муаммосини барқарорлаштириш масаласида 12 сентябрда бошланган музокара яна самарасиз туғди. Халқаро ташкилот Бош қотибининг Кипр бўйича махсус маслаҳатчиси Алваро де Соти журналистларга шуни маълум қилди. Унинг айтишича, Кофи Аннан қарама-қарши томонлар раҳбарлари билан бир неча учрашув ўтказган бўлса-да, қўрилган натижаларга эришилмади. Хабарларга қараганда, Бош қотиб учрашув якунида 1-10 ноябр кунлари Женев

вада ушбу муаммо бўйича яна музокара ўтказиш таклифини киритган.

НЕФТ БАҲОСИ АРЗОНЛАШМОҚДА

АҚШнинг стратегик нефт захирасидан фойдаланиши ҳақидаги қарори Лондон нефт биржасида "қора олтин" баҳосининг арзонлашувига сабаб бўлди. Ўтган кунли бир баррел нефтнинг нархи 30,46 АҚШ доллари миқдорида белгиланди. Бу аввалги кунгига қараганда 1,04 доллар арзондир. Шундай бўлса-да, Фарб давлатлари ОПЕКка аъзо давлатларни нефт қазиб олишни қўлайитиришга чакирши ниятидан қайтмапти.

ЯСТРЖЕМБСКИЙ ИСЛОМОБОДДА

Россия Федерацияси президенти ёрданчиси Сергей Ястржембский Покистон ҳукумати раҳбари, генерал Парвез Мушарраф ҳамда ташқи ишлар вазири Абдул Саттор билан музокара олиб бориш учун Исломободга келди. У мазкур ташриф чоғида П.Мушаррафга Россия президенти Владимир Путиннинг мактубини тақдим этди.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

Advertisement for aluminum and plastic products. Title: "ТОРСУНА-ҲОСИЯТЛИК" ҚК АЛЮМИНИЙ БУРАМА ҚОПҚОҚЛАР. Includes phone numbers and address.

Advertisement for MAKSIMA furniture. Title: Биринчи даражаси МАКСИМА МЕБЕЛЬ САЛОНИ. Includes address and phone number.



«Қаршиё» очик турдаги хиссадорлик жамияти қошида ташкил этилган «Қарши суви» дехи аҳолининг талаб ва истаклари асосида фаолият юритмоқда. Бу ерда хар кунли Шаҳрисабз булоғ суви минглаб ишпаларга қаддоқланиб, савдо растааларига чиқарилади. Муҳими маҳсулот сифати миқозларга маъқул келмоқда. Суратда: цехнинг моҳир ишчиси Анжела Аблаева. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Large advertisement for O'ZKO'RGAZMASAVDO. Title: Тошкент шаҳар ҳоқимияти «Карвон - Бозор» улгуржи савдо мажмуаси «O'ZKO'RGAZMASAVDO». Includes details about the market and contact information.

Advertisement for INTOUR-ASIA. Title: «INTOUR-ASIA» ШОШИЛИНГ!... Includes details about travel services and contact information.

Advertisement for M. Ashrafyev's conservatory. Title: М.Ашрафий номадаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ. Includes details about admissions and contact information.

Advertisement for a bathhouse. Title: КИЧИК НОВВОЙХОНАЛАР КУРИТИШ УСКУНАСИ ҲАММОМ ИСИТГИЧИ (САУНА) ХАВО НАМЛАГИЧИ КАПОРИФЕРЛАР СОЯ СУТИ. Includes details about services and contact information.

Advertisement for a school. Title: Тошкент шаҳар темир йўл қарамонгоҳи 40-ўрта мактабни битириб кетганлар гуққамтиза! Includes details about the school and contact information.

# ШОҲСУПАГА БИР БАҲЯ

Сиднейда бўлиб ўтган XXVII Олимпиада ўйинлари нихосига етишга ҳам санокли кунлар қолди. Шу залда бир-биридан қизиқарли мусобақалар ҳам якун топмоқда. Кеча эркаклар ўртасида теннис бўйича Олимпиада олтин медаллари ҳам ўз эгасини топди. Финалда Германиялик Томи Хаасни мағлуб этган Евгений Кафельников асримизнинг сўнгги олимпиадаси чемпиони унвонига сазовор бўлди.



Кўпбал спорт турлари бўйича беллашулар поёнига етган бўлса, айримларига эндигина старт берилмоқда. Жумладан, кеча эркин кураш мусобақалари бошланди. Унда уч нафар ҳамюртимиз ишти-

роқ этишди. Дастлаб гилламага чиққан Руслан Хинчагов Жанубий Африка Республикаси вакили Дубоиб Жаннини 11:1 ҳисобида мағлубиятга уратиб навбатдаги босқичга йўлланма олди. Аҳдам Очилов эса қозғистонлик Мавлен Мамеровага имконият бериб берди — 5:10. Шунингдек, Рамиль Исломов ҳам мусобақаларни тугатишга мажбур бўлди. У

АҚШлик Калод Каридан енгилди. Бугун яна уч нафар эркин курашчимиз мусобақаларга қўшилади. Айниқса, икки карра олимпия чемпиони Махарбек Хадарцевнинг гилламага чиқишини кўпчилик катта қизиқиш билан кутмоқда. Шунингдек, уч нафар боксчимиз ярим финал беллашуларини ўтказишди. Сергей Михайлов россиялик Александр Левязк билан баҳс юритса, Рустам Саидов қозғистонлик Дилдабековга қарши курашди. Жаҳон чемпиони Мухаммадқодир Абдуллаев эса жазоирлик чарм кўлқоп устаси билан финал йўлланмаси тақдирини ҳал этишди.

**Озод БЕК,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎНГЛАНГАНИ РОСТ БЎЛСИН



9-миллий чемпионатда иштирок этаётган олий лига жамоалари 31-тур ўрашуларини ўтказдилар. «Пахтакор» ўйингоҳига таширф бюрган муҳлислар дарвозаларга киритилган 7 та тўпнинг гувоҳи бўлдилар. Олдинги турда мағлубиятга учраган

пойтахтликлар, бу сафар 6:1 ҳисобида «Сўғдиёна»дан устун келди.

«Трактор» жамоаси Чирчиқда «Кимёгар»га қарши майдонга тушиб, 3:2 ҳисобида мағлубиятга учради. Пешкадам «Дуслик» ўз майдонидида «Металлург» устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қўлган бўлса, худди шундай ҳисоб «Навбахор» - «Насаф» ва «Бухоро» - «Хоразм» ўрашувида ҳам қайд этилди. Шунингдек, «Қизилқум» жамоаси «Турон» футболчилари дарвозасига 4 та тўп киритиб, ўз дарвозаларидан 1 та тўп ўтказиб юбордилар. «Темирйўлчи» ўз майдон


ида «Сурхон» футболчиларини қабул қилиб, рақиб дарвозасига 2 тўп киритган бўлса, мекхонлик 3 та тўп билан жавоб қайтариб, ўйинни 3:2 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилдилар.

«Семур» Ангрнда «Гулистон» футболчиларини қабул қилди. Элдор Қосимовнинг 2 та тўпи ҳисобига мезбонлар ғалабга эришдилар. Навоийда ўтказилган ўрашувида жанговар дураник натижа қайд этилди. «Андижон» 1-бўлимида ҳисобини очган бўлса, 2-бўлимида тенглаштирилди. «Самарқанд» - «Нефчи» ўрашуви бошқа кунга қолдирилди. 32-тур ўрашувлари 30 сентябрда ўтказилади.

**Толъат ЮСУПОВ.**

# ҲИҚМАТ

**Ҳақиқий фарзанд ҳар бир соҳада ўз отасининг ҳукмига тобе бўлади.**



Нозима билан Санжарнинг унаштирилганига кўп бўлгани йўқ. Уша кунги кувё совғаларини олиб келганда холасининг юзидида ўзгарини сезган Нозима кейинги кунларда негизда кўп ўй сурди дегун бўлиб қолди. Охири, йигирма тўртта кириб ҳеч бундай ҳолатга тушмаган. Санжар билан ўрашди, кўнглида унга нисбатан аллақандай илтиқлиқни, интиқ кутган нарсасини бирдан топан қимсада бўладиган мекхон тўғрисида қўрагининг тўб-тўбиди. Бироқ совғалар... Синглисининг суларига қараганда холасининг ўша кунги тўғрисида сабаб совғанинг энг асосийси тилига буюм бўлган.

«Кўзимингизга ҳам келтира қўрманг. Катта-катта-да. Қўда, биз розимиз. Аввал унисига тоғинг, ана ундан кейин тўй, биз қанча бўлса ҳам кутамиз», деди. Дедию зимдан хотинига қараб қўйди. Бу сўзсиз қараш Санжарнинг онаси кўнглига гулгула солди. Ох, оналар ер тағдидаси, осмонни фалақда бўлаётган ишлардан ҳам воқиф уллар.

«Бу гапни ҳаёлимизга ҳам келтира қўрманг. Катта-катта-да. Қўда, биз розимиз. Аввал унисига тоғинг, ана ундан кейин тўй, биз қанча бўлса ҳам кутамиз», деди. Дедию зимдан хотинига қараб қўйди. Бу сўзсиз қараш Санжарнинг онаси кўнглига гулгула солди. Ох, оналар ер тағдидаси, осмонни фалақда бўлаётган ишлардан ҳам воқиф уллар.

«Бу гапни ҳаёлимизга ҳам келтира қўрманг. Катта-катта-да. Қўда, биз розимиз. Аввал унисига тоғинг, ана ундан кейин тўй, биз қанча бўлса ҳам кутамиз», деди. Дедию зимдан хотинига қараб қўйди. Бу сўзсиз қараш Санжарнинг онаси кўнглига гулгула солди. Ох, оналар ер тағдидаси, осмонни фалақда бўлаётган ишлардан ҳам воқиф уллар.



«Бу гапни ҳаёлимизга ҳам келтира қўрманг. Катта-катта-да. Қўда, биз розимиз. Аввал унисига тоғинг, ана ундан кейин тўй, биз қанча бўлса ҳам кутамиз», деди. Дедию зимдан хотинига қараб қўйди. Бу сўзсиз қараш Санжарнинг онаси кўнглига гулгула солди. Ох, оналар ер тағдидаси, осмонни фалақда бўлаётган ишлардан ҳам воқиф уллар.

«Бу гапни ҳаёлимизга ҳам келтира қўрманг. Катта-катта-да. Қўда, биз розимиз. Аввал унисига тоғинг, ана ундан кейин тўй, биз қанча бўлса ҳам кутамиз», деди. Дедию зимдан хотинига қараб қўйди. Бу сўзсиз қараш Санжарнинг онаси кўнглига гулгула солди. Ох, оналар ер тағдидаси, осмонни фалақда бўлаётган ишлардан ҳам воқиф уллар.

«Бу гапни ҳаёлимизга ҳам келтира қўрманг. Катта-катта-да. Қўда, биз розимиз. Аввал унисига тоғинг, ана ундан кейин тўй, биз қанча бўлса ҳам кутамиз», деди. Дедию зимдан хотинига қараб қўйди. Бу сўзсиз қараш Санжарнинг онаси кўнглига гулгула солди. Ох, оналар ер тағдидаси, осмонни фалақда бўлаётган ишлардан ҳам воқиф уллар.

«Бу гапни ҳаёлимизга ҳам келтира қўрманг. Катта-катта-да. Қўда, биз розимиз. Аввал унисига тоғинг, ана ундан кейин тўй, биз қанча бўлса ҳам кутамиз», деди. Дедию зимдан хотинига қараб қўйди. Бу сўзсиз қараш Санжарнинг онаси кўнглига гулгула солди. Ох, оналар ер тағдидаси, осмонни фалақда бўлаётган ишлардан ҳам воқиф уллар.

«Бу гапни ҳаёлимизга ҳам келтира қўрманг. Катта-катта-да. Қўда, биз розимиз. Аввал унисига тоғинг, ана ундан кейин тўй, биз қанча бўлса ҳам кутамиз», деди. Дедию зимдан хотинига қараб қўйди. Бу сўзсиз қараш Санжарнинг онаси кўнглига гулгула солди. Ох, оналар ер тағдидаси, осмонни фалақда бўлаётган ишлардан ҳам воқиф уллар.

«Бу гапни ҳаёлимизга ҳам келтира қўрманг. Катта-катта-да. Қўда, биз розимиз. Аввал унисига тоғинг, ана ундан кейин тўй, биз қанча бўлса ҳам кутамиз», деди. Дедию зимдан хотинига қараб қўйди. Бу сўзсиз қараш Санжарнинг онаси кўнглига гулгула солди. Ох, оналар ер тағдидаси, осмонни фалақда бўлаётган ишлардан ҳам воқиф уллар.

**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**  
МУАССИСАЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**  
**Аббосхон УСМОНОВ**

# Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
- С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲРОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАШПЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- Ҳ. ҲОШИМОВ.

# БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
- Ҳуқуқ — 136-07-94;
- Иқтисодийёт — 136-36-65;
- Маънавият ва маърифат — 132-10-65;
- 136-35-60;
- Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
- Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;
- Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001**  
Буюртма Г — 716, 18918 нумрада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II компьютеризация терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.  
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.  
Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ.  
Мусаҳҳих — Ш. МАШРАББОВЕВ.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.


Тахрирда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00  
топирилади — 21.00  
1 2 3 4 5 6

«Хам таом, ҳам калом ширин бўлса, мижозлар Богдоддан бўлса-да, излаб келаверишди». Учқўрғон шехридаги «Абдувахоб Хожий ота» хусусий ошхонаси жамоасининг фикри ана шундай. Бу гапнинг ҳақиқатини эса хўрадаларнинг ошхонадан қадами узилмаётгани ҳам кўрсатиб турибди.


**СУРАТЛАРДА:** моҳир ошпаз Ғофуржон Абдуразақов; ошхонанинг умумий кўриниши.



**Тоҳиржон ҲАМОҚУЛОВ** олган суратлар.

«Хам таом, ҳам калом ширин бўлса, мижозлар Богдоддан бўлса-да, излаб келаверишди». Учқўрғон шехридаги «Абдувахоб Хожий ота» хусусий ошхонаси жамоасининг фикри ана шундай. Бу гапнинг ҳақиқатини эса хўрадаларнинг ошхонадан қадами узилмаётгани ҳам кўрсатиб турибди.

**СУРАТЛАРДА:** моҳир ошпаз Ғофуржон Абдуразақов; ошхонанинг умумий кўриниши.



**Тоҳиржон ҲАМОҚУЛОВ** олган суратлар.

# Ривоят БИРОДАРЛИК ҚАСРИ

Ривоят қилишларича, бир бойнинг уч ўғли бўлиб, улар улғайишибди. Шунда бой уларнинг ҳар бирига катта миқдорда олтин берибди. — Болаларим, сизларга уч ой муҳлат. Шу вақт давомида турли шаҳарларда шундай уйлар қуришди, уни қўриб ҳар қандай одам лол қолсин, — дебди ота ва оқ фотиҳа берибди. Ийгиблар турфа томонга жўнаб кетишибди ва уч ой ўтгач ота хазурига қайтишибди. Икки ака-ука қўрган қасрлари-ю, миноралари ҳақида бир-бирига гал бермай мактана бошладилар. Кичик ўғил сукут сақлаб турарверибди.

Ота ўғиллари бунёд этган қасрларни кўрмоқчи эканлигини айтгач, улар катта ўғил қўрган қаср сари йўл олишибди. Ҳақиқатан ҳам, тўғич ўғил қўрган иморат одами лол қолдиран даражада гаройиб экан. Бироқ қасрда одам зоти кўринмасмиш. Ота иккинчи ўғил қўрган қошона сари йўл олди. Бу ерда ҳам боғидан қолишмайдиган манзара тақорланибди. Ота бу иморатларга муносабат билдирмай кенжа ўғил қўрган иморатни кўриш истагини билдирибди. Ўғил икки акаси ва отаси билан бир шаҳарга йўл олди. Уларни шаҳарга қириверишда фаришати отахон қарши олибди ва уйига бошлабди. Улар бу ерда бир кеча меҳмон бўлгач, иккинчи хонадон меҳмонга қақирибди, сўнг учинчиси... Меҳмонга тақдир қилувчилар ҳам суҳбатларнинг кети узилмасмиш. Ота бундан хурсанд эмиш. Токати тоқ бўлган икки ўғил: — Ота, укам қўрган қасрга тезроқ бораёлик. Ахир шундоқ бор неча кунимизни йўқотдик, — дейишибди.

— Ўғилларим, — дебди ота: — Менинг кўнглимдагини фақатгина кичик укамнинг ағлаб етибди. Мен иморат деганимда дўстлик, биродарлик қасри қуришни назарда тутган эдим. Қошонангиз бўлса-ю, у ерда ҳеч ким яшамаса, сизни бирор кимса йўқамаса, у не даркор? Чин фидойи дўстлари бор йигит эса осмонлар қасри бор одамдан-да бахтироқдир.

**МАВЖУДА.**

# ДАМ ОЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ...

**Ҳурматли тахририят!**  
Яқинда меҳнат таътилига чиқмоқчи эдим. Қайси санаторийга боришни режалаштиришда иккиланиб қолдим. Уйлаб кўрсан мамлакатимизда турли хасталикларга даво курортлар қўп экан. Шу ҳақда қисқача маълумот берсангиз?  
**Қодирхўжа УМАРОВ, Самарқанд вилояти.**

Мазкур хат муносабати билан жамоатчи муҳбиримиз Будар ПУЛАТОВ Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳузуридида Курортлар бошқармаси бошлиғи Акмал ЙУЛДОШЕВГА мурожаат этди. Қуйида ана шу жавоб билан таънинг:

— Дам олиб, соғлигини тикламоқчи бўлган киши шифокорларга учраб, борадиган сихатгоҳини кейин белгиласа, муроғда етди. Саволга жавоб тўлароқ бўлсин учун санаторийларимиз ва уларда даволаниш ҳақида тўхталиб ўтсам.

Авалло шунч айтиш керакки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, курорт ишларида катта ўзгаришлар юз берди. Республикада маъданли сувларнинг ҳамма турларини ўз ичига олган бой гидроминерал ресурслар аниқланган. Чунки «Мацеста» суви хилдаги водород сульфидли, йод ва бром микдори юқори бўлган, Евпатория, Саки, Махачқала машҳур курортлари сувида қолтирилган хлорид-натрийли сувлар топишган. Самарқанд вилоятида Пятгорск туридаги родонли сувлар бор.

Урмон ва боғлар билан бурканган 120 гектардан зиёд худудга эга бўлган «Чортоқ» санаторийси ҳаракат органларини даволашда Марказий Осиёда маълум ва машҳур. Бу ерда термал, сульфат хлоридли, натрийли, йодли, хлоридли, кальций-натрийли сувлардан кенг қўлланилади. Йод-бромли ванналар гипотоник, томир кенгайтиришга иккун

даволаш бўйича бой таъриба тўпланган. Миокард инфаркти бўлиб ўтган бемор учун саломатлигини тиклаш бўлими фаол ишлаб турибди. Игнабаргли, кисторолди, родонли, карбонат ангидридли ванналар маъжуд.

Бухородаги Ситорай Мохий Хона санаторийсида сурункали буйрак касалликлари бўлган беморлар даволанишади. Мустақил Ҳандўстлик мамлакатларида унга тенг келадигани кам. Унинг асосий даволаш омилли иклимидир. Айниқса, буйрак шомоллашини даволашда бебаҳо. Бу ерда чиқадиган шифобахш сув таркиби Феодусия, Анапа, Липецк сувлари билан бир хил. Суви сурункали боғастрик, қолит, жигар ҳамда сурункали панкреатит ва бошқа касалликларни даволашда жуда қўл келди. Яқинда

бу ерда Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши бевосита ёрдами туфайли 150 миллион сўмлик қалитал таъмирлаш ишлари адо этилиб, файзли ва замонавий сихатгоҳ бунёд этилди.

Самарқанд вилоятидаги Абу Али ибн Сино номи санаторий ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Мазкур сихатгоҳда камдан-кам учрайдиган, фақат Цхалтубода чиқадиган родон суви шифобахш неъмат бор. Бу сихатгоҳ ҳам номингагина бор эди. Қўлайликлар ҳақида сўз очмас ҳам бўларди. Эндиликда республикамизда унга талаб катта бўлмоқда. Киши кўксайган сари суякларда, бугинларда ўзгаришлар содир бўлади. Уларни даволашда бу сув ниҳоятда шифобахш.

Собик «8-март» санаторийси худудда «Умид гулшани» маскани бунёд эти-

либ, у замон талабларига жавоб берадиган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Тамоман янги хилдаги лабораториялар ташкил этилди. Бу сихатгоҳ аёллар ва эркаклардаги бепуштлиқ касаллигини даволашга йўналтирилган. Санаторий Урта Осиёда ягона.

Бу каби мисолларни яна кўпга келтириш мумкин. Шунч ҳам тақдирлар керакки, айрим беморлар узоққа бора олмайдилар. Шу боис, вилоятларда курорт ишини ташкил этиш йўлида ҳам талай ишлар қилинмоқда. Қашқадарё воҳисидида «Қашқадарё соҳили», Зарафшон тизма тоғи этакларида, Оксүб дарёси воҳисидида «Мироқчи», Андижонда «Мархамат», Наманганнинг Учқўрғон тумани, Норин тоғ дарёси бўйидаги хушманзара масканди «Нихол» санаторийси ишлаб турибди. Эҳтиёжни ҳисобга олиб ўтган йили Қоракалпоғистоннинг Чимбой туманида кўп тармоқли замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 75 ўринли, хашаматли янги санаторий ишга туширилди. Хоразм вилоятида «Хонка», Сурхондарё вилоятида «Хўжайи» даволаниш масканлари бунёд этилмоқда. Замон санаторий-курорт хизмати кўрсатиш сифатини янада юксалтириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлом авлодни қазиллаш, санаторий-курорт тизимини республикамизда ҳамда хориж давлатларида эришилган ютуқ ва таърибларга таянган ҳолда, юртимизда амалга ошириладиган тўб иқтисодий ислохотларга мис тарзда ташкил этишни талаб этаётган экан, биз йўналишдаги ишларни жаҳон мезонлари даражасида адо этиш йўлида бор билимимиз ва кучимизни сарфлаймиз.

# ЖУМБОК

27 сентябр соғина берилган жумбоқнинг жавоби (22+2+2+2=28) ни биринчи қатори Чирчиқ туманидан Фарҳод Толипов, Аскар Минибоев, бўқалик Бахтиёр Сафаровлар хабар қилишди. **Ўз навбатида газет-хонларимиздан ҳам қизиқарили жумбоқлар кутиб қоламиз. Энг эътиборли топшиқлар рағбатлантирилади.**

# АФАНДИНИНГ 100-СОНИ

Асрлар мобайнида кулги қироли номини олиб келётган Насриддин Афандининг ёшини хали ҳеч ким аниқ айтолмапти. Ҳатто унинг сонсаноксиз қадрлари ҳақидаги фильм ҳам бу масалага ойдинлиқ киритолмади. Лекин «Муштум» журналининг ҳафталик иловаси «Афанди» газетаси яқинда 2 ёшга тўлганлиги аниқ. Шу ҳафта ушбу нашрнинг 100-соғи ўз

# БОҒДА БУВИ, УЧ ОНА, ИККИ ХОЛА, ИККИ ЎГИЛ, БЕШ ҚИЗ, ИККИ АКА-УКА, БЕШ ОПА-СИНИЛ, УЧТАСИ ҚИЗ, ИККИТАСИ ЎГИЛ БЎЛГАН ЖИНАРГА ЙИГИЛИШИБ ДАМ ОЛИШМОҚДА. БОҒДА ҲАММАСИ БЎЛИБ НЕЧА КИШИ ЙИГИЛИШГАН?



Тахририят айни пайтда қизиқарли савол ва масалалар муаллифи Ирина Дановска ва Баҳодир Хайдаровларга миннатдорчилик билдиради.

**ЭЪЛОН**  
Сўнги вақтларда қоғоз, матбаачилик, алоқа хизматларининг баҳоси бир неча бор кўтарилгани муносабати билан тахририят газетига реклама ва эълонларни жойлаштириш нархларини ҳам қўриб чиқди.  
**2000 йил 1 октябрдан бошлаб «Халқ сўзи» газетасида жойлаштирилади**  
реклама ва эълонларнинг баҳоси 1 см.кв. учун — 100 сўм, оддий эълонлар, таъзиялар учун — 1500 сўм миқдориди белгиланади.  
**136-09-25, 132-10-63.**